Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ, ШАНБА

№ 2 (6513).
Баҳоси 4 сўм.

ТЕЛЕГРАММА

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

1993 йил 1 январдан меҳнат ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдорини ошириш ҳақидаги Фармонингиз айни бозор иқтисодиётининг қийин дамларида элимизга қувват бахш этди. Мазкур мурувват биз халқ таълими ходимларини янада яхшироқ ишлашга, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни тарбиялашда бутун кучимизни бахш этишга ундайди.

Сизга соғлиқ-саломатлик, ишларингизда зафарлар тилаймиз!

Ҳурмат билан, андижонлик халқ таълими ходимлари.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

Акмал Икромов туманида жойлашган 306-мактаб-лицей ёшларга техник ва иқтисодий йўналиш бўйича алоҳида дастурлар асосида чуқур таълим берувчи ўқув даргоҳи ҳисобланади. Шуни мамнуният билан таъкидламоқ керакки, 1991 — 1992 ўқув йилида лицейни битириб чиққан 17 талабанинг 15 нафари олий ўқув юртларига муваффақиятли жойлашиб, илм даргоҳи таълим самарадорлиги кўрсаткичи бўйича Тошкент шаҳридаги барча гимназия ва лицей мактаблари ичида тенгакчи ўринни эгаллади.

Бу ўқув йилида ҳам асосий диққат-эътибор талабаларга берилаётган билимларнинг юқори даражада бўлиши ва уни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилишига қаратилган. Бунга эришиш мақсадида лицей ўқитувчилар жамоаси кенг кўламда услубий ва педагогик изланишлар олиб бормоқда. Икки нафар профессор ва 30 дан ортиқ фан номзодларидан иборат лицей педагогик жамоаси жуда катта илмий куч манбаидир. Ихтисосий фанларнинг назарий асосларини ўқувчининг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтиш, ҳар кунги дарс материалларини ўзлаштириш даражасини алоҳида текшириш, мавзулар бўйича ҳар бир ўқувчи учун топшириқлар мажмуини ишлаб чиқиш каби тадбирлар лицей талабаларининг билиш қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган методик услублардир.

Яқинда лицейда қишки синов кунлари бўлиб ўтди. Ўқув дастуридаги йўналишли предметлар ҳисобланган математика, физика, химия, биология, иқтисодий география ва чет тили фанлари бўйича 8—11-синф ўқувчилари тест саволлари асосида имтиҳон топширдилар.

Ўқувчилар билимини синашнинг тест усули мактаб ўқувчилари учун янгилик бўлганини ҳисобга олиб, синов арафасида лицей маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қошидаги талаба танлови марказ директорининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор М. А. Қосимжонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар билан лицей ўқувчиларининг учрашувини ўтказди. Жуда қизиқарли, савол-жавоб ва баҳс-мунозара тарзида ўтган бу учрашувда мутахассислар тест типидаги синов саволларини тузиш йўллари, унинг баъзибир методик ва амалий томонлари, билимларни синашдаги бу йўлнинг афзалликлари ҳақида батафсил кўрсатмалар беришди. Барча предмет ўқитувчилари эса лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор муовини, физика-математика фанлари номзоди У. Худоёров раҳбарлигида тест саволларини тузиш, уни ҳар бир ўқувчи учун алоҳида китобча тарзида тўплаш бўйича жуда катта ташкилий ишларни бажардилар.

Мана, қишки синов кунлари ортда қолди. Ўқувчиларнинг синов дафтарига баҳолар қўйилди. Лицей маъмурияти ва педагогик жамоаси синов якунларини ҳам таҳлил этиб чиқишди. Натижалар чакки эмас. Билим даргоҳида таълим олаётган 151 нафар ўқувчининг аксарияти лицей талабаси деган юксак номга муносиб эканлигини исботлади.

Синов натижалари нафақат ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлабгина қолмай, балки педагоглар жамоаси учун ҳам ўзига хос имтиҳон бўлди. Ҳар бир ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчиларга берган билими ва кўникмалари синов якунларида яққол ўз аксини топди.

Олдинда эса янги ташвишлар, янги изланишлар ва яна синовлар...

А. ҲАСАНОВ.
Тошкент шаҳри.

Муаллим суратига чизгилар

БИР АЯ БОР

Бу мўътабар аёл ҳақида сўз бошлашдан олдин бир воқеани эслагимиз келади.

У бўш вақт топди дегунча кичкинтой ўқувчиларини мактаб ёнидаги дам олиш боғига етаклайди. Баланд, сершох дарахтлар, тинч, сокин йўлаклар, сувларнинг шилдираши юракларда ажиб туйғулар уйғотади: ширин хотиралар эсга тушади, хурсанд бўласиз, болаларнинг вижир-вижир гапларини, ўйинқароқлигини кўриб, кечагина мен ҳам бола эдим, дея энтикасиз. Булар — эртанинг хўжайинлари. Уларнинг қандай бўлиши бугунги тарбияга боғлиқ.

У болаларга гўзаллик ҳақида сўзлайди. Гўзаллик ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини айтади, унинг меҳнат билан, қалб қўри билан яратилишини таъкидлайди. «Биз ҳам гўзаллик яратишга улуш қўшолмаймизми?». Болалар унга ажабланиб тикилишади. «Ҳа, ҳисса қўшиш мумкин, — дейди у қатъий оҳангда. — Қаранг, болалар, боғимиз қанчалик чиройли, лекин тўпланиб қолган чиқиндилар унинг ҳуснига доғ бўлиб турибди».

Болалар ишга тушиб кетишади: супуришади, тозалашади...

Кўпдан қуён қочиб қутилмас. Кўп-кўп-да. Бирпасда атрофга файз киради, гўёки кўнгил покланади.

— Маълим, энди ҳар куни боғни тозалашга келамиз-а!

Ризвон ая қувонади.

Меҳнати самара берди...

Қирқ йилдирки, у ана шундай яшайди: жажжи болакайлар умр мазмунига, борлиғига айланган. Тўғри, дастлаб қийналди, азобуқубат чекди, тўққиз болани тарбиялаш, яна бунинг устига, болаларга дарс бериш, топиш-тутиш, рўзғорни тебратишнинг ўзи бўладими? Кейин ҳамма-ҳаммасига ўрганиб кетди. Бугун орадан шунча йил ўтганига ўзи ҳам ишонмайди. Гоҳо, қирқ йил бўлибдими-я, дея ҳайратланади. Умр оқар дарё экан-да: йиллар кўз очиб юмгунча ўтади, ёшлар кексаяди, болалар улғаяди.

Ҳозир у таҳсил бераётган илм даргоҳда Когон шаҳридаги Беруний номли 2-мактабда шогирдлари ўзи билан бирга елкама-елка туриб меҳнат қилишяпти. Ўзига яраша ҳурмати бор. Меҳнатиям ерда қолгани йўқ: маориф аълочиси деган унвонга сазовор бўлган. Ишқилиб, қадр-қимматини топган. Шунисига ҳам шукр қилади. Қадр-қиммат топиб яшаш катта бахт!

Ўғил-қизлари ўз йўлларини топиб кетишган. Тўнғичи — ҳарбий хизматчи, қизлари Зайнаб, Зебо, Зулфиялар — ўқитувчи, унинг йўлини танлашган.

— Елкамизга янги масъулият юкланди, — дейди Ризвон ая, — энди мустақил Ватанга мустаҳкам, пишиқ фарзандлар тарбиялаб, вояга етказишимиз керак.

Ризвон ая Мажидовага ўхшаган фидойи, билимдон ўқитувчилар бор экан, биз, албатта, эртанги мақсадларимизга эришамиз. Уларнинг қўлларида таҳсил олган бугунги жажжи болакайлар келажакда Ўзбекистоннинг куч-қудратини, фани, санъати, адабиётини жаҳонга намойиш этадилар.

Тўлқин ҲАЙИТОВ.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР КЎП

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика марказида таълим рус тилида олиб бориладиган муассасаларда ўзбек тили бўйича илмий-методик кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда рус гуруҳларида ўзбек тили таълими мазмунини янгилаш масаласи муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев иштирок этиб, мавжуд таълим асосларини янгилаш, дарсликларни миллий руҳ билан омухталаштириш, ўқув-методик адабиётлар мажмуасини яратиш жараёнини тезлатиш, дарслик ёзишга ижодкор ўқитувчиларни жалб этиш, муаллифларга эркинлик бериш каби масалаларга атрофлича тўхталди.

Шундан сўнг ИМК раиси Р. Йўлдошев илмий-методик кенгашнинг бир йиллик фаолияти ҳақида ахборот берди. Шунингдек, у бу борада дуч келинаётган қийинчиликлар ва галдаги вазифалар ҳақида сўзлади.

Республика халқ таълими вазирининг муовини М. М. Қурбонов, «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Р. Толипова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси куллиёти декани, профессор Н. Маҳмудов, доцент А. Рафиевларнинг Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ўзбек тили таълими методикаси илмий мазмунини яратиш иши билан жиддий шуғулланиши кераклиги, ўғил-қизларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, ўқувчининг фикрини оғзаки ва ёзма баён эта олиш малакасини шакллантириш лозимлиги, рус гуруҳларида ўзбек тили таълимининг тўлақонлигига эришиш учун ўзбек адабиётини алоҳида фан сифатида ўқитиш мақсадга мувофиқ эканлиги, дарслик яратишда шошмашошарликка йўл қўйилаётгани, мукаммал дастур яратилмасдан туриб, лугат минимумини тузиб бўлмаслиги хусусидаги фикрлари илмий-методик кенгаш йиғилишига алоҳида руҳ бағишлади.

Ишчанлик руҳи устивор бўлган йиғилишда илмий-методик кенгаш аъзоларидан М. Усмонова, М. Ҳолмирзаева, А. Сандинёзова, Р. Полвонова, Р. Раҳимжонова, А. Турсунматов, вазир ёрдамчиси Ш. Шомансуров, ТДПИ проректори М. Ҳ. Тўхтахўжаева, РУММ бўлим мудири Б. Қурбонбоев ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, рус гуруҳларида ўзбек тили таълими самарадорлигини ошириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

М. АБДУРАИМОВА.

ШАНБА ЧОР-ШАНБА

БИЛИМ ЮРТИГА СОВҒА

Ёшларга билим сирларини ўргатиш билан биргаликда уларни ҳунар эгаллашга жалб этиш ҳам муҳим масалалардан биридир. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, айниқса, бу ишда ташаббускорликни қўлга олган.

Яқинда Сирғали туманидаги 27-ҳунар-техника билим юрти мутахассислари ва талабалари яна бир қулайликка эга бўлдилар.

— Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Халқ таълими вазирлиги томонидан билим юртимизга «Мактаб мебель фабрикаси»нинг қуриб берилганлиги биз мутахассисларни қувонтириб юборди, — дейди ўқув даргоҳининг директори Шорасул Муродов. — Чунки талабаларимизга практик машғулотларни ўташ даврида мазкур цехнинг йўқлиги туфайли анча мукаммалликлар туғилаётган эди. Энди бу муаммога барҳам берладиган бўлди. Талабаларимиз ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳам ҳунар ўрганадилар, ҳам мактаблар учун зарур бўлган парта, стол, стул кабиларни тайёрлайдилар.

Р. ҲУСАНОВ.

МАКТАБ— ГЕНЕРАЛ НОМИДА

Генерал Убайдулла Сандов номининг яқинда Тошкентдаги 173-мактабга берилиши яна бир эсдан чиқан кишини, унинг ҳалол меҳнатининг авлодлар тарафидан ардоқланиши ва абадийлаштирилиши намунаси бўлди.

У. Сандов ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини биринчилар қаторида аъло баҳолар билан тугатиб, ички ишлар органларида ишлаш жараёнида генерал-майор даражасигача етган. У Ўзбекистон ички ишлар вазирининг ўринбосари, сифатида, Тожикистон Республикасининг ички ишлар вазирлигида ҳам фаолият кўрсатган. Душанбе шаҳри кўчаларидан бири У. Сандов номи билан юритилади. Бу, албатта, халқ ўзи севган инсонлардан руҳан айри тушишни истамаслиги исботидир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ

ИБРАТЛИ ТАЖРИБА

1—5-синф ўқувчиларига китобни 15 тийиндан бепул нонушта берилиши ўз вақтида жуда катта ғамхўрлик эди. Бугунги кунда унинг 9 сўмга кўтарилиши ҳам, мундоқ олиб қаралганда, ҳеч нарса бўлмай қолди. Хўш, давлатнинг берган 9 сўми ҳеч нарсага ярамаса нима қилиш керак? Уни қўпайтиришнинг йўллари борми? Шу каби саволларга жавоб топиш учун Андижон вилоят халқ таълими ходимлари Шаҳрихон туманига тўпланишди.

Ташкил этилган бир кунлик кўргазмали семинарда ҳозир бўлганлар туман мактабларида ва болалар боғчаларида бўлиб, бу ердаги ишлар билан танишишди. Семинар қатнашчилари «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалиги (раиси С. Мансуров)нинг ўз тасарруфидаги мактаб ўқувчиларини бир маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаши, ошхона учун мева ва сабзавот экиб олишга икки гектардан ер ажратиб беришдек тажрибасини ибратли деб топишди.

М. САРИМСОҚОВ.

МАКТАБГА ИМТИҲОН БИЛАН

Ўқувчининг техникум ёки олийгоҳга имтиҳон топшириб ўтолмабди, деган гап янгилик эмас. Аммо мактабга имтиҳон топшириб ўтолмабди, дейилса эриш туюларкан. Андижон вилоят Олтинкўл туманида эса бу гап ҳам эскириб қолди. Мана, уч йилдирки, Собиржон Иброҳимов номли мактабга танлов йўли билан бошқа мактаблардан ҳам ўқувчилар қабул қилинмоқда. Бу ерда очилган физика ва математикани чуқур ўргатувчи махсус синфда 900 нафардан ортиқ талаба ўқимоқда. Мактабда ўқувчилар билим олиш билан бирга дурадгорлик ва чилангарлик касбларини ҳам ўрганишади.

С. МАМАРАСУЛОВ.

МУҲАРРИРНОМА

МАЪНАВИЙ ҚАШШОҚЛИК ХАВФИ БОРМИ?

Ҳозирги кунларда бозор иқтисодиёти сабабли рўй бераётган қийинчиликлар, оилавий турмуш тарзининг ташвишлари ҳаммамизнинг бошимиздан кечаяпти. Фақат ана шу ташвишлар билан ўралашиб қоладиган бўлсак, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасдек туюлаяпти. Айниқса, биз педагоглар учун бундай аҳволга тушиб қолиш кечириб бўлмас бир ҳолдир. Маънавий қашшоқ, ўз билимини ошириш учун кундалик матбуот янгиликларини ўқиб бормайдиган ўқитувчи ўз талабасига нимани ҳам ўргата олади? Маънавиятни эса ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи, биринчи навбатда вақтли матбуот билан ошно бўлиши, айниқса бугунги кунда ниҳоятда зарур деб ўйлаймиз.

Мен кекса педагог сифатида ана шуларни мушоҳада қилиб, биринчи навбатда «Маърифат» газетасига обуна бўлдим. Шу билан бир қаторда август ойидаёқ «Ўбекистон адабиёти ва санъати», «Хоразм ҳақиқати», «Тил ва адабиёт таълими», «Муштум», «Мулоқот» сингари рўзнома ва ойномаларга ҳам 1993 йил учун ёзилдим. Агар обуна бўлган нашрларимни пулга чақадиган бўлсам, 10 минг сўмдан ошади, албатта. Бироқ, бу ерда гап пулда эмас. Ҳозирги қадрсизланиб бораётган бу сарфлаган пулимга ўйлаб қарасам, бор-йўғи бир дона оддий костюм-шим беради, ё бермайди. Лекин, ростини айтсам ана шу қадрсиз пул эвазига мен бир йил давомида катта маънавий озуқа манбаига эга бўлдим.

«Маърифат» газетаси ўқитувчилар учун ўзига хос бир дорилфунун, десам янглишмайман. Бу рўзномага 1955 йилдан бери доимий муштарийман. Ҳозирги пайтда унинг саҳифаларида берилаётган ранг-баранг материаллар, айниқса, халқ таълими ҳаёти, одобахлоқ, таълим тарбия, дин-диёнат, инсоф-адолат, педагогик услубиятларга доир долзарб мавзулар ҳамиша менда катта қизиқиш уйғотиб келади. Ўзим ҳам айрим мавзуларда мақолалар ёзиб тураман. Фаол жамоатчи мухбир сифатида газетанинг Фахрий ёрлиғини ҳам олишга мушарраф бўлганман. Умуман, «Маърифат» педагогик фаолиятимдаги ютуқларга эришишимда ўзига хос мактаб бўлиб келаяпти.

Рўзномани янада мазмундор этиш соҳасида бир қатор фикр-мулоҳаза ва истакларимни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Жумладан, таҳририят ходимларининг яхши бир анъанаси бор. Улар тез-тез муштарийлар билан учрашиб туришади. Бу газета билан муштарийларнинг яқинлашишига, долзарб мавзуларни ёритишга замин бўлади. Бироқ кейинги пайтда бундай учрашувлар озайиб қолди. Истагим шуки, таҳририят ходимлари вилоят ва районларда ҳам бўлиб, газетхонлар билан учрашувлар ўтказсалар, муштарийлар қалбини тўлқинлантираётган муаммоларни, уларнинг эҳтиёжий истакларини билсалар, яхши бўларди.

Яна бир истагим шуки, халқ таълими тизимида янгиланишлар муносабати билан бир қатор ўқув фанлари дастур ва режалари ҳам ўзгариб кетди. Айниқса, бу ҳол адабиёт ва тарих фанларида педагоглар учун қийинчилик туғдирмоқда. Чунки янги дарслик ва қўлланмалар ҳали нашр этилганича йўқ. Дастурларда қайд этилган мавзулар бўйича материалларни топиш эса аримаҳол. Қишлоқ кутубхоналари, айниқса,мактаб кутубхоналарида тегишли адабиётлар йўқ. Янгиларининг эса бу зиё масканларига етиб келишига, шубҳасиз, бозор иқтисодиёти халал бераяпти. Ана шундай кезда вақтли матбуотнинг, айниқса, «Маърифат»нинг ташкилотчилик ва тарғиботчилик иши зарур. Унинг саҳифаларида таълим-тарбия жараёнига оид манба бўладиган материалларнинг кўпроқ ёритилишини истардик. Бу ўринда ўзининг аввалги анъанавий «Ўқитувчиларга ёрдам», «Педагог минбари» сингари рукнларни қайта тиклаб, изчил материаллар бериб борса, савоб иш қилган бўларди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу рукнлар остида адабиёт фанига оид Ҳувайдо, Увайсий, Амирий, Алмаий, Сиддиқий, Хондайлиқий каби шоир ва адиблар фаолиятига оид материалларни, педагогик тавсияларни берилишини истардик.

Ўйлаймизки, севимли газетамиз «Маърифат» ўзининг янги йил сонларида янги-янги рукнлари, зарур ва долзарб мавзулари билан барча зиёлиларни, шу жумладан биз педагог-муштарийларни, албатта, мамнун этади.

Йўлдош ҲОЖИЕВ,
Хоразм вилоятн Хонқа туманидаги Муқимий номли 18-ўрта мактабнинг олий тоифали методист-ўқитувчиси.

СУРАТЛИ ЛАВҲА

ҲАМДЎСТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон Республикамиз мустақилликка эришганига ҳам бир йилдан ошаяпти. Топталган қадриятлар қайтадан тикланиб, бобокалонларимиз қалбида армон бўлиб кетган орзулар бугунги кунда амалга ошмоқда. Эндиликда, Ўзбекистон жаҳон аренасига чиқиб, юзлаб давлатлар билан бевосита ҳам иқтисодий, ҳам ҳамдўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Ўнлаб давлатлардаги фан-техника сирларидан ўрганаяпмиз, ўз навбатида улар ҳам биздан кўп нарсаларни ўрганишаяпти.

Яқинда 1-Тошкент давлат медицина институтида Хитойда ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар кўргазмаси очилди. Унда электрокардиографлар, анализаторлар, томсграфлар, ультратовуш аппаратлари, тиш даволаш ускуналари ва шунга ўхшаш тиббиётнинг энг зарур замонавий техника воситалари мавжуд.

— Биз бу ерда баҳоси 200 минг доллар қийматга эга бўлган тиббиёт ускуналарини намойиш этмоқдамиз, — дейди Хэйлунцзян провинцияси саноат компанияси муҳандиси Зуо Ли. — Гап бу ерда келтирилган ускуналар нархида эмас, мақсадимиз ўзбекистонлик дўстларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлаш, икки давлатнинг азалий ҳамдўстлигини, анъанавий традицияларини юксалтиришдир. Очиғини айтганда, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мустақил республикалари билан ҳам ана шундай ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз.

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН тасвирга олган.

Долзарб мавзу

ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕЪЁРИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ўзига хосликлари заминида мустақил - таълим тизимини яратишга оид изланишлар давом этмоқда.

Узлуксиз таълим тизими барча босқичлари (оила ва мактабгача тарбия, ўрта ва олий таълим)нинг моҳияти, мақсади ҳамда вазифаларини белгиловчи «Халқ таълими йўриқномаси (концепцияси)» ишланмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг шоҳ йўриқномаси — «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим концепцияси»ни Халқ таълими вазирлиги расмий ҳужжат сифатида маъқуллади. Унга монанд мактабгача тарбия, бошланғич мактаб ва ўқув фанларининг алоҳида йўриқнома (концепция)лари лойиҳаси яратилиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилинди. Эндиликда бу йўриқномалар асосида умумий ўрта таълим мазмуни ифодаланган ўқув дастурлари ва дарсликлари яратишга киришилади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган тадбирларни амалга оширишга умумий таълим мактабини битириб чиқувчиларнинг билим меъёри учун давлат ўлчами (стандарт)сиз киришилди. Ҳолбуки, халқ таълими тизимининг барча босқичи қай даражада, қандай савияда таълим-тарбия беришни расмий ҳужжат — давлат стандарти меъёрлайди. Зеро, бу ҳужжатсиз тузилган ўқув дастурлари ҳам, дарсликлари ҳам жамиятнинг таълим хизматига бўлган талабини қондиришқондирмаслиги шубҳасиздир. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида «... барча шаклдаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган маълумот савиясига ва ўқув дастури ҳажмларига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берувчи таълимнинг жаҳон тажрибаси мезонларига мос давлат стандартлари белгиланади», дейилган. Айтилганлардан таълим меъёрига давлат стандарти яратиш ўта муҳим, масъулиятли ва долзарб муаммолигини англаш қийин эмас.

Муаммонинг долзарблигидан, унинг ечимига фавқулодда тадқиқотчи гуруҳларни жалб этишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаб, уларга йўлланма тариқасида таълим сифатига давлат стандарти жорий қилишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида бу мақолада фикр юритишни лозим топдик.

1990 йилда нашр қилинган Энциклопедик Луғатда: «Стандарт инглизча бўлиб, кенг маънода — ўхшаш объектларни таққослаш учун асос қилиб олинадиган намуна, эталон, модель», дейилган. Шунга мувофиқ таълим сифатига давлат стандарти — ўқувчининг билим кўлами (тушунчалар тизими), таълимий ўқуви (кўникма ва малакаси), ўрганганларини эгаллаганлик (тадбиқ эта олиш маҳорати) даражаси ва ниҳоят ижодий фикрлашига оид макон ва замон тақозо қилувчи меъёрлардир.

Тажрибадан маълумки, жамиятнинг таълимий хизматга бўлган талаби асосида таълимнинг бош мақсади ҳамда босқичлари белгиланади. Бунда жамиятнинг эҳтиёжи ва таълимни ташкил этишга оид имкониятини аниқ ва мукаммал тасаввур қилиш муҳим саналади. Шунга кўра, «Ўзбекистоннинг ижтимоий-табиий муҳитида фаолият кўрсата оладиган, айни вақтда бу муҳитни ва унга ҳамоҳанг ўзини-ўзи узлуксиз такомиллаштиришга лаёқатли шахсни камол топтириш» таълим мақсадининг концептуал моҳиятини ифодалайди ҳамда таълим сифатининг давлат меъёри (стандарти)ни белгилашга асос бўлади.

Таълимдан бош мақсад «Имонли шахсни камол топтириш» деб қисқа ва лўнда ифодаласа ҳам бўлади. Дарҳақиқат, имонли шахсда поклик, ҳалоллик, тўғрисўзлик, виждонлилик, ғурур. Ватанини ардоқловчи, яратилга мойиллик каби инсоний фазилатлар мужассамлашади.

Таълим йўриқномаси (концепцияси)да белгиланган бош мақсад алоҳида ўқув фанларининг йўриқнома (концепция)лари, дастурлари ва курслари оша то ҳар бир дарс машғулотига қадар аниқланаверади. Шу алпозда мақсадга элтувчи вазифа, восита ва усуллар ҳам ойдинлашади.

Таълимнинг давлат стандарти эса ўқувчи билими сифатига бўлган талабнинг энг қуйи (минимум) даражасини ифодалайди. Демак, таълим жараёнини бир томондан таълим мақсади бошқарса, иккинчи томондан давлат стандарти назорат қилади.

Давлат стандарти талабидаги таълим сифати қуйидаги таркибий қисм (компонент)дар бўйича белгиланади:

— Олам ҳақидаги билимлар;

— малака ва кўникмаларда ифодаланувчи фаолият усуллари мужассамлашган тажриба;

— ижодий фаолиятга оид тажриба;

— олам (табиат ва жамият)ни ҳиссий идрок этишга оид тажриба.

Таркибий қисмларнинг мазмуни бутун инсониятнинг ижтимоий-маънавий қадриятлари, жумладан, миллий қадриятлардан ташкил топади. Жисмоний физиологик имкониятлар ва руҳий хусусиятларга боғлиқ фаолият усулларининг меъёрини белгилашда миллий хусусият ҳар томонлама ҳисобга олинмоғи зарур.

Илм олиш ёки умумий саводхонликка эришиш муаммосини ҳал қилиш лозим бўлган вақтлар аллақачон тарих саҳифаларидан жой олди. Эндиликда, илм олиш маълумотли бўлиш билан чекланмайди. Шахс ва жамиятнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган даражада сифатли ва савияли билимлар муҳим бўлиб қолади.

Билимларнинг сифати ва савияси таълимнинг мазмуни ҳамда ташкил этилишига, ўқувчиларнинг ўзига хос руҳий хусусиятлари кабиларга боғлиқдир. Шу жиҳатдан, мактаб билан ўқувчи, мактаб билан жамият муносабатларидаги омиллар муҳимдир. Бошқача айтганда, гап мактабнинг ҳар бир ўқувчиси олдидаги ва, умуман, жамият олдидаги мажбуриятлари ҳақида бораётир.

Билимларнинг сифати масаласига жиддий эътибор берилмаган вақтларда халқ маорифи тизимидаги ишлаб чиқарувчи (мактаб, олий ўқув юрти) билан истеъмолчи (ўқувчи, жамият)нинг муносабатлари яширин тарзда шартли доирадан чиқмас эди. Лекин билимлар асосий ишлаб чиқариш кучларидан бирига айланган ва, ҳатто, капитал бўла оладиган ҳозирги пайтда мазкур муносабатлар сифат жиҳатдан бошқа даражага кўтарилиши мумкин. Чунончи, сифат масаласи ҳал қилинаётган жойда ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг ўзаро муносабатлари тараннглашади. Бундай ҳолатни назардан четда қолдира олмаймиз. Ҳўш, мактаб ўзининг истеъмолчи ўқувчисига сифатли билимлар олиши учун қандай кафолатлар бериши мумкин? Бунда фақат минимал кафолатлар беради, дея оламиз. Инчунин, мактабни битиргач, олий ўқув юртига киришни хоҳлайдиган ўқувчи репетиторнинг хизматидан фойдаланишга мажбур бўлади. Умуман, олий ўқув юртларига кирмоқчи абитуриентларнинг аксариятида тайёргарлик бўш.

Тўғри, мактабни ёқлаб шуни айтиш мумкинки, таълимнинг ҳозирги вақтда ташвишлантираётган инқирози маълум даражада жамиятнинг талабларидан келиб чиқди. Халқ хўжалигида малакали мутахассислардан кўра, дипломли мутахассислар қадрланишлигидан ўқувчи ҳам қандай бўлмасин яхши баҳолар қўйилган аттестат, диплом «жилди»ни қўлга киритиш пайида бўлди. Чунки, илмий даража қўшимча иш ҳақига мутлоқ кафолат эди. Оқибатда билим ҳар жиҳатдан қадрсизланиб, таълим сифатининг пасайиши, ношуд ва нўноқликнинг авж олиши, давлатнинг илмий-техникавий ва иқтисодий асослари емирилиши кучайди. Шу тариқа билим сифати муаммоси халқ таълимидаги барча муаммоларнинг негизига айланди. Аммо ўқувчилардаги билимларнинг савияси ҳақида изчил, яққол, объектив тасаввур бўлмас экан, уни ҳал қилиб бўлмайди.

Билимларни оммавий назорат қилишда ахборот олинадиган асосий манбаа ҳануз ўқитувчилар қўйган баҳолар ҳақидаги статистик маълумотлардир. Ўқитувчи қўядиган баҳонинг асосий вазифаси синфдаги таълим жараёнини бошқаришдир. Ўқитувчи ўзининг тажрибаси ва сезгирлигига таяниб баҳо қўйишда ўқувчидан билимларнинг савиясини эмас, балки билимлар савиясидаги ўзгаришлар динамикасини ҳамда ўқувчининг ўзига хос руҳий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Шу нуқтаи назардан ўқитувчи қўйган баҳолардан ўқувчиларнинг билими ҳақидаги ҳақиқий ахборот сифатида фойдаланиш тўғри эмас. Фикримизнинг тўғрилигини аттестатига фақат аъло баҳолар қўйилган абитуриентлардаги билим ва кўникмаларининг ўзгача шароитда ҳар хил даражада намоён бўлаётганида кўриш мумкин.

Аввало, таълимнинг савияси ва сифатини оширишни таъминлаш учун даставвал, унинг сифатини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш зарур. Тўғри, халқ таълимини бошқарув бўғинлари таълимни назорат этиш бўйича талай ишларни амалга оширсалар-да, унинг сифати ва савиясини назорат қилиш ҳисобот-статистика билан чекланади. Бундай номукаммал, ишдан чиққан механизмлар воситасида таълим сифатини назорат қилиш билан ҳақиқий аҳволни билиб бўлмайди. Таълим сифатининг ҳақиқий ҳолати фақат давлат стандарти-ўлчами орқалигина намоён бўлиши мумкин.

Халқ хўжалигида стандартлаш — маҳсулотлар сифатини чинакам илмий услуб асосида давлат бошқарувининг, давлат миқёсида маҳсулотлар рўйхати ва сифат даражасини тартибга олишнинг ягона тизимидир. Стандарт аниқ миқдорий предметларни қатъий белгилаш ва бирлаштириш билан боғлиқлиги сабабли саноатда амалга ошириладиган стандартлашни халқ таълимига қўллаш мумкин эмасдек ва, ҳатто, нотўғридек туюлади.

Таълим жараёни — ўзига хослик, хилма-хиллик ва ижодкорликни ҳам ўз ичига оладиган сифатий ҳодисалар мажмуасидир. Тўғри, ҳозир мумтоз педагогика назарияси ва йўриқномалари барча фанлар асосида қайтадан кўрилмоқда. Предметлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг сифатини миқдорий ифодалаш билан боғлиқ янги йўналишлар яратилмоқда. Янги педагогика шакланмоқда ва унинг муҳим бўлимларидан бири — мантиқий математик ва кибернетик услубларга асосланган квалиметриядир. Эндигина ривожланаётган бу йўналишнинг ихтиёрида стандартларни ишлаб чиқаришга асос бўладиган параметрларни белгилашда ёрдам берадиган воситалар етарли эмас. Лекин бундан стандартлаш ғоясидан воз кечиш лозим, деган хулоса чиқармаслигимиз керак.

Стандартларни таълим жараёнига жорий этиш ниҳоятда эҳтиётқорлик ва омилкорликни талаб қилди. Бунинг учун тажрибада синалмаган усуллардан фойдаланмаслик, ҳамма жиҳатлар, хусусан, меъёрлар илмий ва экспериментал асосида пухта ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Акс ҳолда стандартлаш таълим жараёнини оптималлаштирмайди, ҳатто мажбурийлик, расмиятчилик ва ақидапарастликни кучайтириши мумкин. Эҳтимол, стандартларни, аввал, мажбурий эталонлар сифатида эмас, балки тавсиялардек жорий қилиш маъқулдир. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, стандарт қонун асосида жорий қилинган, яъни бажарилиши шарт қилиб қўйилган тақдирдагина давлат стандарти ҳисобланади.

Стандартларни жорий қилиш жараёни учун қуйидаги тартибни тавсия этиш мумкин:

1. Стандартлаш объектларини аниқлаш. Таълимий стандартларни ишлаб чиқишда диққат эътиборни психологик-дидактик объектларнинг икки гуруҳига:

а) таълим мазмунининг асосини ташкил қиладиган-мактаб берадиган ва ўргатиш лозим бўлган нарсаларга;

б) таълимнинг натижаси, маҳсулий-ўқувчи эгаллай олган нарсаларга оид билимларнинг сифати ва ўрганилиши даражасига қаратиш керак:

Бутун халқ таълими тизими МИКРООБЪЕКТ ҳисобланади. Таълим жараёнининг алоҳида қисм (компонент)лари эса стандартлашнинг МИКРООБЪЕКТЛАРИ ҳисобланади. Шунингдек, таълимнинг сифатини принципиал белгилайдиган: таълимий дастур, дарслик, қўлланма, ўрганилиш даражаси, билимларнинг сифати, ўқитувчи маҳоратининг тавсифи кабилар ҳам стандартлаш объектларидир. Булар стандартлашни унинг айрим участкаларида эмас, балки ўзаро алоқадор барча бўғинлар бўйича комплекс амалга оширилиши кераклигини билдиради.

2. Стандартлаш объектларининг таҳлили. Қоидага кўра, таълимий стандартлар тўла (мумкин бўлган ягона) даражани эмас, балки дастлабки, минимал даражани акс эттириши керак. Масалан: ўрганилиш бўйича стандарт ҳар бир ўқувчига етказиш лозим бўлган минимал даражани ифодалаши зарур. Шу мақсадда стандартлаш объектларида минимал даража ёки инвариант компонент белгиланади. Объектга монанд стандартнинг у ёки бу тури ишлаб чиқилиши мумкин.

3. Давлат стандартини квалиметрик таъминлаш. Бу стандартларни ишлаб чиқишнинг энг нозик звеносидир. Ишнинг мураккаблиги шундаки, таълим жараёнида сифат яширин бўлиб, уни саноатдаги каби миқдорлар билан ўлчаш мумкин эмас. Ваҳоланки, ягона ўлчовсиз, у ёки бу стандартнинг асосини ташкил этадиган параметрлар, мезонлар, қоидалар ва меъёрларсиз стандартлашни жорий қилиб бўлмайди. Бунинг учун педагогика ва психологиядаги мавжуд барча воситалардан: тасвирий моделлар, ҳисоблаш техникасига мослаб алгоритмлаштирилган моделлар, кўп ўлчовли статистик моделлар ва ҳоказолардан фойдаланиш зарур.

4. Стандартларни ишлаб чиқиш. Бу босқич амалий тажриба билан боғлиқ илмий-педагогик тадқиқотларда амалга оширилади. Стандартлаш объектига боғлиқ ҳолда стандартни бажариш лозим бўлган талаблар, меъёрлардан иборат ҳужжат шаклида; инвариант компонент шаклида; намуна, эталон шаклида ишлаб чиқилиши мумкин. Стандартларни ишлаб чиқишда жамиятнинг эҳтиёжларини, шахснинг эҳтиёжларини, педагогика фанининг ютуқларини, таълим жараёнининг имкониятларини, миллий хусусиятларни ва халқаро стандартларни ҳисобга олиш зарур.

5. Назоратнинг шаклларини ишлаб чиқиш. Стандартлашнинг қонунийлиги стандартларни ўз вақтида жорий этиш ва уларга жиддий риоя қилиш устидан давлат назорати бўлиши зарурлигини тақозо этади. Назоратнинг шакллари содда, ихчам, тежамли, кўрсатмали, объектив мезонларга асосланган, бўлиши керак.

Назоратнинг шаклларини ишлаб чиқишда назорат қилишнинг қуйидаги асосий принципларига риоя қилиш зарур:

— назоратни қонуний асосда амалга ошириш;

— назоратнинг режалилиги, таълим тизими бўғинларининг ўзаро уйғунлиги;

— мунтазамлик, мақсадга йўғрилганлик;

— ҳамма жойда ялпи амалга оширилиши;

— ошкоралик;

— назорат органининг назорат қилинадиган муассасадан мустақиллиги;

— комплекслик, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (мактаб ва ўқувчи)га тегишли кўрсаткичларнинг қамраб олиниши;

— динамиклик, ихчамлик;

— самарадорлик; назорат жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этишга йўналганлик ва бошқалар.

Назорат шаклларини ишлаб чиқишда унинг асосий мақсади нуқсонларни йўқотишга қаратилганлиги ва назорат ҳеч қачон жазолаш механизми бўлиши мумкин эмаслиги эътиборда бўлмоғи керак.

6. Экспериментал тадқиқотлар. Стандартларни жорий қилиш методикаси эксперимент асосида қунт билан ишлаб чиқилиши лозим.

Стандартлар қонун даражада — мақом касб этиши ва оммавий тадбиқ қилинишлигидан синаб кўрилмаган стандартларни тавакалчасига жорий қилиш — жиноятдир. Тадқиқот ва эксперимент бошланишидан стандартларни жорий этишгача энг мақбул муддат — 5 йил. Аммо жамиятда ишлаб чиқариш кучлари жадал ривожланаётганини ва шу туфайли таълим жараёнига қўйиладиган талаблар ўзгараётганини назарда тутиб, ҳар бир муайян ҳолатда стандартларни жорий қилишнинг ўзига хос муддатларини белгилаш ҳам мумкин.

7. Назорат бўйича экспериментлар тайёрлаш. Стандартларни ўз вақтида жорий этиш ва ижроси устидан давлат назоратини ўрнатиш назорат қилинадиган ташкилотларга даҳлсиз назорат экспертларига юкланади. Давлат назорати вазифасига кўра, кенг кўламли, мураккаб ишлардан иборатлиги ҳамда оммавий равишда, мунтазам ва пухта амалга ошириш зарурлигидан унинг энг масъулиятли участкасига кераклн мутахассисларни махсус тайёрлаш зарур. Экспертнинг малака даражаси та[illegible] сифнома (характеристика)сини ишлаб чиқиш ва мутахассисларни шу тавсифнома бўйича аттестациядан ўтка[illegible] ишга қўйиш лозим.

8. Стандартларнинг эксперт баҳолари. Эксперт баҳолари қуйидаги икки асосий босқични амалга оширишга қарат[illegible]лади:

— стандартлашган объектнинг ва шу объект кўрсаткичларининг ҳақиқий аҳволи ҳақида ахборот олиш;

— мазкур ахборотни олдиндан белгиланган талаблар билан таққослаш.

Давлат назорати методикаси қуйидаги вариантларда ишлаб чиқишни талаб қилади: текшириш, экспертиза, аттестация, кўрикдан ўтказиш.

Стандартларни назорат қилиш ўзининг вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

— стандартларни жорий этиш ва уларга риоя қилиш устидан назорат;

— стандартларнинг даражаси ва сифати устидан назорат кабилар.

9. Стандартларни ва назоратни ҳуқуқий таъминлаш. Халқ таълими тизимидаги стандартлаш қонунлар сингари мақомга эга бўлиши керак. Акс ҳолда стандартлашдан кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Давлат назоратининг мавжудлиги стандартларнинг қонунийлик характерини белгилайди. Таълимий стандартлар ҳақидаги қонун ҳукумат доирасида қабул қилинади ва тегишли ҳужжатлар билан таъминланади.

10. Стандартлаш жараёнини бошқариш. Бошқаришни вазирликлар ҳам, ана шу мақсадни кўзлаб махсус тузилган ташкилотлар ҳам амалга ошириши мумкин. Бошқаришнинг вазифалари режалаштириш, ташкил этиш, назорат олиб бориш, камчиликларни бартараф қилиш кабилардан иборат.

Стандартлашни жорий қилишнинг тавсия этилган тадбирлари стандартлаш объектининг хусусиятларига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, таълим жараёнини стандартлаш халқ таълими тизимининг барча бўғинларига алоқадордир. Бу ишни амалга ошириш учун олимлар, педагог-амалиётчилар, руҳшунослар, социологлар ва бошқарув аппаратининг кучлари зарур. Стандартлашдан нималар кутиш мумкин? Бизнингча, стандартларни жорий этиш таълимнинг сифатини ва ўрганиш даражасини назорат остига олиш халқ таълимини инқирозли вазиятдан чиқариш имконини беради. Токи асосий муаммо — сифат муаммоси ҳал қилинмас экан, таълимнинг инқирози чуқурлашаверади. Сифат муаммоси эса фақат халқ таълимига эмас, балки миллий фан ва иқтисодиётга ҳам тааллуқлидир. Хуллас, стандартлаш иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ва, ҳатто, сиёсий аҳамиятга молик тадбирдир. Шу сабабли мактабларимиздаги таълим сифати ва савиясини ошириш учун барча кучларни стандартлашга сафарбар этиш зарур.

М. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари.

П. МУСАЕВ,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти «Умумий ўрта таълим мазмуни» бўлимининг мудири, педагогика фанлари номзоди.

Д. РИЗАЕВА,
шу бўлимнинг илмий ходими.

ЯНГИ РУКН:

Рақамлар сеҳри

Кексалар суҳбатига қулоқ тутсангиз, «ер қоидаси уч, учдан кейин пуч», «бирдан икки яхши, иккидан — уч» каби мақолларни кўп эшитасиз. Турмушда учлик ўзига хос «қоида»га айланиб қолгандек туюлади. Ҳатто кино ёки концерт залларида ҳам томоша бошланишидан аввал, уч марта қўнғироқ чалиб огоҳлантирилади. Бирор сабаб билан огоҳлантириш лозим бўлган кишига ҳам уч марта танбеҳ берилади.

Тилимизда «қирчиллама қирқ ёшида», «қирқ кокил қиз», «қилни қирқ ёриб», «қирқ қулоқли қозон» каби иборалар ҳам борки, бундай тушунчалардаги сонларни ўрнидан силжитиб бўлмайди. Бундай рақамларнинг тилимизда кўп қўлланилишининг боиси нимада?

Муҳтарам муштарий! Халқимиз азалдан алоҳида аҳамият бериб, турфа афсоналарга кўмиб ташлаган «сеҳрли» сонларнинг ҳар бири ғоят қизиқарли «таржимаи ҳол»га эга. «Ғаройиб сонлар билан боғлиқ халқ қарашларининг моҳиятини чуқурроқ ўрганишингиз учун сизга рақамлар оламининг мўъжизалари жамланган хазинанинг эшигини очмоқчимиз. Жаҳон халқларининг «севимли» сон «етти»нинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари, беш бармоғини санашни ўрганиб олгач, иши «беш» бўлиб кетган қадимги «ҳисобдон»лар ҳақидаги мароқли ҳикоялар, «қирқ»нинг қирқ хил тавсифи-ю, «тўққиз»нинг тўққиз мўъжизасидан сўзловчи афсоналар сиз азиз муштарийларимизнинг «сеҳрли» рақамларнинг сирли ва фусункор олами сари етаклайди.

«Рақамлар сеҳри» рукнини филология фанлари номзоди Маматқул ЖЎРАЕВ олиб боради.

ЕР ҚОИДАСИ—УЧ

Кўпни кўрган боболарнинг суҳбатига қулоқ тутсангиз, «ер қоидаси — уч, учдан кейин пуч», «отинг бир қоқилмасин, бир қоқилса, уч мартагача боради» каби ибора ва айтимларни эшитасиз. Халқимиз удумига кўра, совчиликка уч марта борилади, келин-куёв олов атрофидан уч марта айлантирилади. Марҳум вафотидан уч кун ўтгач, махсус маросим қилинади. Маросим ва удумларимиз учлик анъанасига азалдан қатъий амал қилинади. Кекса чўпонларнинг эътиқодига кўра, ўтлаб турган сурувни бўлиб ўтиш оғир гуноҳ ҳисобланар экан. Мабодо зарурат туфайли сурувни оралаб ўтишга тўғри келиб қолса, уч марта бирдан еттигача санаб, сўнгра, қўйларни бўлиб ўтишаркан. Шундай қилинса, сурув бўлиниб кетмайди, унга бўри тегмайди, деб ўйлайдилар.

Бухороликларнинг удумларига кўра, синчли уйларнинг деворлари ғичирлаб, ғалати овоз чиқарадиган бўлиб қолса, бу уйга инс-жинслар оралабди, деб ёмонликка йўядилар. Бу бало-қазодан оилани омон сақлаш учун том устига учта пичоқни тикка қилиб суқиб қўядилар. Гўё ана шундан сўнг зиёнлар бу хонадонни тарк этади ва уйнинг ғичирлаб овоз чиқариши тўхтайди, деб умид қиладилар.

Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Тўхта Момонинг айтишича, илгарилари сумалак пишираётганда ногаҳон ёмғир ёғиб қолса, оиланинг тўнғич фарзанди орқасини яланғочлаб:

Онамнинг тўнғичиман,
Қозоннинг қирғичиман,
Ёмғирнинг тиндиргичиман! —

деб ҳовлини уч марта айланиб чиқса, ёмғир тинади деб ирим қилишган.

Хуллас, муайян айтим ёки ҳаракатни уч марта такрорлаш ўзбек маросимларининг ўзига хос анъанавий белгиларидан биридир. Одамлар ўзлари бажараётган ҳаракатнинг нега айнан уч марта қайтарилишининг асл сабабини билмасалар-да, анъанага риоя қилиб, бу удумга амал қилаверишади. Масалан, бефарзанд аёллар камалак чиққач, «Ҳасан-Ҳусаннинг ёйи чиқди, энди худо хоҳласа ҳамма муродимиз ҳосил бўлади!» — деб ўйлаб, камалакка қараб юз-икки юз қадам жойгача уч марта бориб-келадилар-да, кўнгилларида бор тилакларини айтадилар.

Қизиғи шундаки, ҳаракатни уч марта такрорлаш анъанаси кўпгина хорижий ва қардош халқлар фольклорида ҳам қайд қилинган. Қадимда илк баҳорда биринчи момақалдироқ товушини эшитган белорус деҳқони ерга уч марта таъзим қилиб, уч марта — саломатлик, тўкинлик, мўл ҳосил сўраган. Қадимги литваликлар удумига кўра, янги йилда хонадон соҳиби байрамга атаб ёпилган нонни кўтариб, уч марта уйи атрофини айланиб чиқаркан. Бу билан келаётган йилнинг баракали, серҳосил бўлишига истак билдирилади.

Уч рақами билан боғлиқ ғаройиб удумлар болалар ўйинларида, айниқса, кўп қўлланилади. Тасаввур қилинг, аллақачон чўққилар ортига бекинган қуёшнинг қизғиш нурлари уфқ узра юрган булутлар бағрини қонталаш қилган. Қишлоқ узра оқшом тароватн чўкмоқда. Тол хивичларидан от қилиб миниб, кўча чангитиб келган болалар сой бўйидаги теракзорга тўпланишди. Қоронғи тушгунича яна битта ўйин ўйнаб қолиш учун ошиққан онабоши шоша-пиша болаларни санай кетади:

Бир, икки, уч,
Учдан кейин пуч,
Агар билағон бўлсанг,
Сен жойингдан кўч!

«Нега энди учдан кейин пуч бўларкан?!» — деб сўрашга беихтиёр оғиз жуфтлаяпсиз. Ахир учдан кейин тўрт, беш, олти, етти, хуллас, рақамлар жуда кўп-ку демоқчисиз. Аммо офтобда қорайиб, кун бўйи ўйиндан бошингиз чиқмаган болалик кезларингизни бир эсланг-а! Сиз ўткинчи йўловчи, деб эътибор бермаган одамлар ёнингиздан ўтиб кетаётиб, ўйин бошлашдан аввал, бир-бирларингизни «сана»ганингизни кўп эшитишган:

Бир буғдой, икки буғдой,
Уч буғдой, пуч буғдой,

ёки қисқача қилиб:

Бир, икки, уч,
Учдан кейин пуч! —

деб қўяқолгансиз.

Ана, кўрдингизми, ҳатто ўзингиз ҳам учдан кейинги рақамни «тополмай» ҳисобни тўхтатишга мажбур бўлгансиз. Лекин диққат қилинг-а, нега энди учдан кейин пуч? Қолган рақамлар қани? Умуман, бу билан нима дейилмоқчи? Сабабини болалар билишмайди, ўз вақтида биз — катталар ҳам билмаганмиз. Аммо шу биргина айтимнинг мазмуни қадим замонларда яшаб ўтган боболаримизнинг ибтидоий эътиқодларига бориб тақалишини ҳозир ҳам кўпчилик билмаса керак. Халқимизнинг «уч» сонига бунчалик меҳр қўйишининг сабаблари ҳақида навбатдаги мақоламизда батафсил сўзлаймиз.

Маматқул ЖЎРАЕВ.

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Мустақиллик нима ўзи? Қайсики давлат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларини ўзи мустақил ҳал этар экан — у мустақилдир. Миллат тақдирини, ўз тақдирини ўзи ҳал этолган давлат мустақилдир.

Мустақиллик эълон қилиш осон иш. Лекин сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мустақилликка эришиш осон кечмайди. Мустақиллик эълон қилингандан буён халқимизга ҳақиқий мустақилликка ўтишнинг йўлини кўрсатиб берадиган дастур керак эди. Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби худди шундай қўлланма бўлди.

Асарда ҳозирги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб берилди.

Тошкент давлат университетида Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти, Илм-маърифат уюшмаси, Педагогика жамияти биргаликда ўтказган китобхонлар конференцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарига бағишланди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фалсафа жамияти президенти, профессор С. Шермуҳамедов «Истиқлолимиз ва истиқболимизнинг муҳим дастури», академик Э. Юсупов «Ўзбекистон Республикаси тараққиёт йўлининг муҳим шарт-шароитлари ва заминлари», Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор А. Аъзамхўжаев «Ўзбекистон — демократия ва ижтимоий адолат давлати», дорилфунун иқтисодиёт факультетининг декани, профессор А. Абдуғаниев «Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодини қуриш мустақил Ўзбекистоннинг ички сиёсат негизидир» мавзуида, Президент девонининг масъул ходими, профессор Ю. Шодиметов «Мустақил Ўзбекистон социал-экологик сиёсатининг асосий йўналишлари» мавзуида, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Ҳ. Пўлатов «Мустақил Ўзбекистон ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари» мавзуида маърузалар ўқишди.

Конференцияда китоб мазмун эътибори билан жумҳуриятимиз халқи учун муҳим қўлланма экани алоҳида таъкидланиб, уни қайта нашр этиш ва чет тилларга таржима қилиш таклиф этилди.

З. ТЎЛАГАНОВА.

Қадриятларимиз

БЕБАҲО БОЙЛИК

Бошқа халқларда бўлганидек, келин тўйларимизнинг ўзига хос расм-русумлари анчагина. Шулардан бири — «Ёр-ёр»у «Келин салом».

Кўп бор шундай манзарани кузатганман:

— Ҳой, фалончи, саломни айтсангиз-чи!

— Вой, мен нима дейман. Ўзингиз бошлаб беринг.

— Анови қани, ўшани чақиринглар, — дейишади келинни ўраб олган аёллар бир-бирларига гап бермай. Ниҳоят, бири бошлаб, иккинчиси давом эткизиб, узуқ-юлуқ қилишиб «Ёр-ёр» ва «Келин салом» сўлари айтилиб, расм-русумлар ўрнига қўйилади.

Лўнда қилиб айтганда, келин тўйларининг шу жойи чиройли чиқмаяпти. Ҳатто уни ижро этувчи топилмайди. Борлари ҳам қисиниб-қимтинишади. Моҳир ижрочи унинг сўзларини ширали, шўх овозда ҳазил-мутоибага ўраб айтса борми, тўйхонага янада хуш кайфият, ўзгача файз ва руҳ олиб кирарди. Негадир тўйга таклиф этилган санъаткорлар ҳам томошабинликдан нарига ўтолмаяпти. Агар санъаткорлар ташаббусни қўлга олиб «Ёр-ёр»у «Келин салом» сўзларини мусиқа жўрлигида (доира билан) ижро этишса, бу маросим бир умр эсда қоларли даражада бўларди.

Шу ўринда бир нарса ёдимга тушади. Наврўз байрами ҳар йили катта шодиёнага, халқ сайлига айланаяпти. Ҳар бир жамоа махсус хоналар, гўшангалар жиҳозлашади. Ҳаваскорлар келин ва бешик тўйларидаги миллий урф-одат, расм-русмларни жуда чиройли, маҳорат билан ижро этишади. Бутун халойиқ мириқиб томоша қилишиб, уларнинг ижрочилик санъатига, маҳоратига, миллий либосларига тасанно айтишади. Аслида бу каби анъаналар, қадриятлар саҳнада эмас, ҳақиқий ҳаётда бўлса, ўз ўрнини топарди. Ахир, бу ҳам тарбия-ку!

Тўй-маросим қўшиқлари ҳам халқ оғзаки ижоди. Шу боис бу қўшиқлар ўрта мактаб адабиёт дастурига, дарслигига киритилса, айни муддао бўларди. Тўғри, 5 ва 9-синфларда халқ оғзаки ижоди ўрганилади. Лекин айнан шу мавзу эътибордан четда қолган ва дарс соатлари ажратилмаган. Тўй-маросим, «Алла» каби халқ қўшиқларини нафақат адабиёт дарсларида, балки мусиқа дарсларида ҳам ўргатишни йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, тўй халқимизнинг энг қадимий маросимларидан биридир. Афсуски, ҳозирда биз уни ичкиликсиз тасаввур қила олмай қолдик. Имконияти бор ҳам, йўқ ҳам мен сендан камми қабилида иш тутмоқда. Ичкилик эса ёшлар тарбиясини бузаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Яна бир фикр. Аёлу эркаклар бир дастурхон атрофида ўтиришиб ҳар хил ичимликлар ичишади. Кайф орқасида беҳаё қилиқлар, ҳаракатлар қилишади. Жанжал-тўполон ҳам шундан. Буни ўқувчи-ёшлар кўрмайди, дейсизми? Шарқона ибо, ҳаё қаёққа кетди ўзи?

Тўйларда яна бир одат урф бўлаяпти. Пулдорлар келин-куёв ва даврани тўлдириб ўйнаётганлар устидан катта миқдорда пуллар сочаяпти. Болакайлару қизчалар, кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчилар ўзларини оёқ остига ташлашади. Ур-сур қилишиб пул теришади. Бунга қандай қарайсиз? Менимча, бу манманлик, ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас!

Маълумки, яқин-яқинларгача тўйларда озиқ-овқат маҳсулотлари қадрсизланди, оёқ ости қилинди. Бугун унинг жабрини тортиб ўтирибмиз! Мана, энди пулвозлик... Муҳаммад алайҳиссалом: «Пуллар, тангалар Аллоҳ таолонинг ердаги муҳрларидир», — деб ўгит беради. Уни сочиш, оёқ билан топташ, қадр-қимматини ерга уриш гуноҳ бўлмасмикан?!

Хулоса қилиб айтганда, миллий урф-одат, анъаналар, маросимлар, қадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган бебаҳо бойликдир. Афсусланарли томони шундаки, бугунги кунда барчани ана шу бойликларга эга деб бўлмайди. Хўш, ўзингиз ўйланг, бу ҳолда келажак авлодга нимани қолдирамиз? Арoқ ичишу тамаки чекишнними? Гиёҳвандлигу беҳаёликними? Ўғрилигу жиноятчиликними? Лоқайдлигу дангасаликними?

Ҳа, бу ҳолатларни ўйлаб ақл тарозисида ўлчаб кўрсак ёмон бўлмасди. Биз юқорида анъана қадриятларимиздан бири ҳақида баҳоли қудрат фикр юритдик. Ахир, миллий урф-одат, анъаналар, қадриятлар — тарбия воситаси-ку! Шу сабабдан оилада, мактабда миллий тарбияга эътиборни кучайтириш лозим.

Ш. ОТАҚУЛОВ.

КИТОБИМ—ОФТОБИМ

Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактабда «Китобим — офтобим» деб номланган қизиқарли байрам кечаси ўтказилди. Унда ота-оналар, болалар шоири Анвар Обидждон, Турсунбой Адашбоев ва бошқалар иштирок этишди.

Ўғил-қизлар бу байрамда китоб қаҳрамонлари акс этган саҳна кўринишларидан ижро этдилар, шеърларни ёд айтдилар. Шунингдек, улар қўшиқ куйлаб, рақсга тушишди. Айниқса, илм масканидаги 3 «Е»-синф ўқувчиларининг синф раҳбари Ҳ. Тешабоева раҳбарлигидаги чиқишлари йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

Хуллас, мактаб ўқувчиларининг қишки таътилдаги бу байрами ўғил-қизлар қалбида узоқ вақт сақланиши шубҳасиздир.

Тасвирларни суратчи Р. АЛЬБЕКОВ олган.

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ЁРДАМ

АНБАР ОТИН ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Сўнгги йилларда яратилган адабиёт дастурларида ўзбек шоиралари, жумладан, Анбар отин ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши қувончли ҳолдир. Лекин ҳали дарсликларнинг нашр этилмагани кўпгина қийинчиликларни ўқитувчининг ўзи ҳал этиши лозимлигини кўрсатмоқда. Гарчи дарсликда Анбар отин ижоди ёритилмаган бўлса-да, қўшимча манбалардан фойдаланиб бу мавзуни ўқувчиларга қўйидагича баён этиш мумкин.

Мен Анбар отиннинг «Ўт тушсун» ғазали ҳамда «Қаролар фалсафаси» рисоласини ўрганишда Ғулом Каримовнинг «Ўзбеки адабиёти тарихи (3-китоб), Анбар отин «Шеърлар» (1963), «Шеърлар, рисола» (1970), Маҳбуба Қодировнинг «Шоира Анбар отин» (1991) каби тўплам ва рисолаларидан фойдаланиб, мана бу усулда дарс ўтдим.

Ўқувчиларга янги дарс мавзусини айтиб, шоиранинг «Таржимаи ҳол» номли шеърини магнитофон орқали эшиттирдим.

Отам — Фармонқули
Марғилоний,
Онам — Ашурбиби
Қўқоний.
Алар белбоқчи —
бўзчи эрди касби
Ҳамиша маккайидин
эрди нони...

Сўнг шоира Анбар отиннинг 1870 йил Қўқонда туғилиб, 1915 йилда вафот этгани, отаси Фармонқул асли марғилонлик бўлиб, шоира Увайсийнинг жияни эканлиги, турмуш кечириш учун Қўқонга келгани ва Ашурбиби билан оила қургани, уч фарзанд кўргани, тўнғич фарзанди Анбар отин бўлгани ҳақида маълумот бераман. Ўқувчилар «Таржимаи ҳол» шеърини тинглаганлари учун кейинги маълумотларни савол-жавоб орқали баён этиш мумкин.

ЎҚИТУВЧИ: Нима учун Анбар отиннинг ота-онаси келиша олмадилар?

ЎҚУВЧИ: Шоиранинг отаонаси бўзчи бўлса ҳам, белбоққа ёлчимас эдилар, бирлари икки бўлмас эди. Айниқса, ҳайит келса, янги кийим йўқлиги, ночорлик туфайли оилада жанжал авжга чиқарди. Шундай жанжанлардан бири содир бўлиб, ҳовли сотилиб, она фарзандлари билан сарсон бўлиб, отаси Марғилонга кетиб қолади.

ЎҚИТУВЧИ: Уларнинг кейинги тақдирлари ҳақида шеърдан нималарни англаб олдингиз?

ЎҚУВЧИ: Она уч фарзанди билан бир читгарга турмушга чиқади. Бу кишининг икки танобча ери ҳам бўлиб, деҳқончилик қиларди. Анбар отин иккинчи отасидан жуда миннатдор эди. Анбар отинни қўқонлик Зоҳидхўжа исмли нонвойга турмушга берадилар.

ЎҚИТУВЧИ: Шоиранинг фарзандлари ҳақида нима дея оласиз?

ЎҚУВЧИ: Анбар отин ўз турмушидан шод эди. Унинг тўрт фарзанди: Мўминхўжа, Бибихон, Ўсмонхўжа ва Оминахонлар бўлиб, Оминахон эрта вафот этган эди.

ЎҚИТУВЧИ: Юқоридагилардан маълум бўлдики, Анбар отин иккинчи отасидан мамнун эди. Ота-она рўзғор танглиkларига қарамай, олти-етти ёшларга кириб қолган қизчани отинойи мактабига берадилар. Бу ерда Анбар отин ўз даврининг таниқли шоираси Дилшоди Барнодан сабоқ олиб, саводини чиқаради. Анбар отиндаги истеъдодни эрта кўра билан Дилшод отинойи унга алоҳида меҳр қўяди. Дилшод ўзида сабоқ олаётган қизларга ғазаллардан ўқиб, мавзени шарҳлаб берар эди. Бундан илҳомланган Анбар отин Саъдий, Фузулий, Навоий, Увайсий, Нодира ва бошқа шоир ва шоираларнинг асарларини севиб ўқий бошлайди, ўзи ҳам ғазаллар ёзади. Навоийни ўзига устоз деб билади.

Агар устоди абадни
изласанг Анбар отин.
Сан Навоий таълимини
доим мутолаа қил.

Ғазал ва шеъриятга ихлосманд турмуш ўртоғи шоиранинг ижод этишига тўсқинлик қилмайди. Лекин шоиранинг бахтли ҳаёти узоқ давом этмайди. Кунларнинг бирида бойвучча хотинлар Анбар отинни ўз йиғилишларига таклиф этишади. Ўзини мазах қилмоқчи бўлган бу бойвуччаларни Анбар отин ҳажвиялари билан чилпарчин қилади:

Афсус, бу замон фисқу
фужуру ғам замонасидур,
Бировга ишрату нозу,
бировга алам замонасидур.
Аслиға бино, наслиға бино
қўйғон ойим пардоз уза,
Ёнида турар сандуқчаву
ойина, қўлида шонасидур.

Бундан ғазабланган бойвуччалар Анбар отинни ҳақоратлай бошлайдилар. Йиғилишни тарк этиб кетаётган шоирани аёллардан бири зинадан итариб юборади. Натижада Анбар отиннинг икки оёғи майиб бўлиб, бир умрга тўшакка михланиб қолади, лекин қўлидан қаламини қўймайди:

Бедор ўлтурғонимда
ҳамдамим ушбу қалам,
Қўлларимға бу қаламни
тутқазур дарду алам.

Анбар отин доимо эл ғамини ўйлайди, ўзини ўйлаган жоҳил кишиларга ошно бўлмасликни таъкидлайди:

Эй дўст, жаҳолат аҳлиға
ошно бўла кўрма,
То келгунча бахту саодат
шайдо бўла кўрма.
Ҳар кимки ўзин ўйлади,
элдин хабари йўқ,
Ул аблахи бедин ила
савдо қила кўрма.

Сўнгра мавзуни мустаҳкамлаш учун шоира Анбар отиннинг «Қай куни бўлғайки, бўстонимга бир меҳмон келур?», «Санинг даргоҳингга ман ёлборурман раббано ло», «Бир замонни ўйлағайман, ҳеч замонга ўхшамас» деб бошланувчи ғазалларини ўқувчилар ифодали ўқийдилар.

Дарснинг иккинчи соатида эса Анбар отиннинг «Ўт тушсун» радифли ғазали ва «Қаролар фалсафаси» рисоласи ўрганилади.

Шоиранинг «Ўт тушсун» радифли ғазали хотин-қизларни камситувчи кишиларга ғазаб руҳида ёзилган бўлиб, шоира бу ғазалини зўр бир шиддат билан бошлайди:

Худонинг неъматини бўлиб
олғонларга ўт тушсин.
Шариат ҳукмини йўлдин
чиқарғонларга ўт тушсин.

Кейинги мисраларда эса шоира аёлларни «сочи узун, ақли қисқа» деб таърифлаган тарикча илми йўқ «муфти»ларга, ибн Сино, Улуғбек каби алломаларни тарбият этган оналардан кўз юмганларга ўз нафратини сочади.

Шунингдек, Анбар отин аёлларнинг ишқ-муҳаббатда ҳам буюк эканликларини Зулайҳо, Лайли, Ширинлар мисолида кўрсатади. Аёлларга буюм сифатида қарайдиган, уларнинг муҳаббатини тан олмайдиган кишиларни қоралайди:

«Хотунлар мол қатори
сотилар» деб
муштипарларни,
Зулайхо, Лайли, Ширинни
тан олмаганларга ўт
тушсун.

Ғазал сўнггида шоира ўз исмидан сўз ўйини орқали фойдаланиб, хуш ислар ва Анбар ҳаромхўрлар учун ҳайф эканини таъкидлаб, судхўр, фоҳишабоз, ёлғончиларга лаънатлар ўқийди:

Бўйи хуш Анбар кабилар
ҳайф ҳаромхўрлар учун,
Судхўру фоҳишабоз, сўзи
ёлғонларга ўт тушсун!

Кўринадики, шоира Анбар отин аёллар қадр-қимматини юксакка кўтаради, бу муштипар аёлларни ҳимоя қилади. Шоира «Ўт тушсун» радифини ғазаб-нафратини баралла ошкор этиш учун танлайди ва ўз мақсадига эришади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун қуйидагиларни сўраш мумкин:

1. Шоира «Ўт тушсун» ғазалини нима учун ёзди?
2. Бу ғазалда шоира кимлардан нафратланади?
3. Ғазалда қайси сўзлар қофия бўлиб келган?
4. Ўзбек адабиётида шу мавзуда ёзилган яна қайси ғазалларни биласиз? Мисоллар келтиринг.

Сўнгра «Қоралар фалсафаси» рисоласи ҳақида тўхталади. Ўқитувчи қора тахтага рисола бўлимларининг номи ёзилган кўрсатмали кўргазмани илиб қўйса ёки ёзиб қўйса, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

1. Биринчи фасл: «Қаролар оразн баёнида».
2. Иккинчи фасл: «Фарқи қаролар баёнида».
3. Учинчи фасл: «Бахти қаролар баёнида».
4. Туртинчи фасл: «Қаро зулмат тасвирида».

Шундан сўнг ўқитувчи рисоланинг номланиш тарихини қуйидагича изоҳлайди: Анбар отин жафокаш халқ, аламзада аёллар яшаётган ўша замонни қоп-қоронғи зулматга ўхшатади, қора кун, қора бахт, қора ният, қора қисмат — бари қора, инсон бахтига зомин тимсоллар. У ана шулар ҳақида фикр юритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва рисолага «Рисолаи фалсафаи сиёҳон» (Қоралар фалсафаси» деб сарлавҳа қўяди.

Биринчи бўлимда шоиранинг оқ ва қора танлилар ҳақидаги мулоҳазалари баён этилгани ҳақида тушунча берилгач, ўқитувчи дунё одамлари бир-бирини ажратмай, тотув яшашлари керак эканлигини уқтиради:

Иккинчи бўлимда сочнинг ўртасидан фарқ очган аёллар ҳақида сўз юритилиши, аёлнинг фарқи оқ бўлса ҳам бахти қора эканлиги, оналарнинг буюклиги ҳақида мисоллар келтирилади, уларни улуғлаш, иззат-икромда қўйиш алоҳида таъкидланади.

Учинчи бўлимда шоиранинг бахт ҳақида фикр юритиши айтилади. Унингча, бир кунлик меҳнати эвазига бир бурда нон топиб келган киши «бахти қаро» эмас, балки ҳақиқий «бахти қаролар» меҳнатсиз кун кўрувчилардир. Шунингдек, у шоирлар ҳақида фикр юритиб: «Ҳақиқий шоирлар ўткир кўз била бошқалар кўрмаган сирларни мушоҳада қилуб, адаб ҳаририга буркаб, арзи маъносини нафис иборалар билан тараннум этар», — дейди.

Сўнгги бўлим шоиранинг ижтимоий масалалар ҳақидаги фикрларидан иборат бўлиб, адолат ва яхши кунлар келишига ишончи ўз ифодасини топади: «Кеча қоронғулиғи бир неча соатда тонг билан алмашганидек, зулмат ҳам бот фурсатда ўтуб, ёруғлик келур».

Сўнг ўқитувчи рисоланинг сўнггида «Тарихи таҳрир 1328 ҳижрий» деб ёзиб қўйилганини айтиб, рисола 1915 (мелодий) йилда тугатилгани ҳақида маълумот беради.

Биз юқорида Анбар отиннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган 2 соатлик дарснинг тахминий режасини бердик. Албатта, бу режадан ҳар бир ўқитувчи ижодий ва танқидий фойдаланиб дарс ўтса, яхши самара бериши мумкин. Бунда синф ўқувчиларининг фаоллиги ҳисобга олиниб, ўзгартишлар киритиш мумкин. Мақсадимиз, имкони борича шоира Анбар отин ижодини ўқувчиларга етказиб бера олишдир.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Дарсликларни варақлаганда

ҲАМОҲАНГ БЎЛСА

Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва битар, дейишади. Жумҳуриятимиз мустақиллиги шарофати билан ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчилари анча вақтдан бери кутаётган, орзу қилган дарсликлар нашр қилина бошлади. Бугун мен «Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1992 йилда 480.000 нусхада чоп этилган «Ватан адабиёти», 8-синф дарслик-хрестоматиясининг ўтмишдошларидан фарқли томонлари хусусида тўхталмоқчиман.

Илгариги дарсликларда классик шоирлар ижодидан намуналар — рубоий, туюқ, ғазаллар асл ҳолати бўйича берилаверарди. Мазкур асарларнинг маъно-мазмунини ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто ўқитувчилар ҳам тушуна олмасди.

Янги дарсликдаги ўқув материалари, шоир-ёзувчиларнинг яшаб ижод этган даврига қараб тартиблаштирилган. Ўтган 1 чорак давомида ана шу асосда машғулотлар олиб бориб қониқиш ҳосил қилдик. Бироқ «Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти» журналида «V—XI синфларда адабиёт материалларини режалаштириш» юзасидан амалда фойдаланиш учун бериб борилаётган дастурда 8-синфга Н. В. Гоголь, Н. А. Островский, Ойбекнинг «Болалик», Ғайратийнинг «Унутилмас кунлар» каби дарслик-хрестоматиясида йўқ асарлари киритилган. Бунга эътирозимиз йўқ, аммо дарслик ва дастур ижодкорлари бамаслаҳат иш кўришиб, дарсликдаги материалларни дастур асосида жойлаштирганларида ўқитувчилар ҳечам иккиланмас, ортиқча сарсону-саргардон бўлмас эдилар.

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ТАЛАБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ҳамкасблар ижоди

ТЎЙ БЎЛСИН ЎЗБЕКНИНГ УЙИДА

Бир ҳазил оҳанг бор куйида,
Эртанинг ташвиши, ўйида.
Ғамлари тўқилар тўйида,
Тўй бўлсин ўзбекнинг уйида!

Бош эгар сабрга, бардошга,
Эрк бермас ўткинчи кўз ёшга.
Бағри кенг дўстига, сирдошга,
Тўй бўлсин ўзбекнинг уйида!

Кўксида бир оташ юрак уради,
Минг бир машаққатга қалқон туради.
Гоҳида лой кечиб қўрғон қуради,
Тўй белсин ўзбекнинг уйида!

Унинг бахти — юртнинг мовий осмони,
Ташвиши—пахтаси, ризқидир дони.
Юртга бир тўй берса ,шудир армони,
Тўй бўлсин ўзбекнинг уйида!

Ун ўғил ўстириб, кўкрак керади,
Пешона теридан ризқин теради.
Йиғиниб бир кунда юртга беради,
Тўй бўлсин ўзбекнинг уйида!

О Н А М

Агар тўксам кўзларимдан ёш,
Отса ҳамки душманларим тош,
Мендан нурин қизғанса қуёш,
Фақат ёлғиз онам куяди.

Кўзларимга дунё бўлса тор,
Севган ёрим мендан қилса ор,
Агар бўлсам ширин сўзга зор,
Фақат ёлғиз онам куяди.

Ғам-кулфатда қолганимда ҳам,
Юз ўгирса ҳатто дўстим ҳам,
Яратганга етмаса нолам,
Фақат ёлғиз онам куяди.

Воҳиджон ЛУҚМОНОВ,
Челак тумани, А. Навоий номли мактаб.

ЎЗИНГИЗНИ БИР СИНАБ КЎРИНГ-ЧИ!..

Азиз муштарий! Қуйида таърифланган ном ва сўзлар шаклда ўзаро боғланган ҳолда кетма-кет ёзилади. Бунда баъзи сўзлар кесишиб ўтади. Машқни ҳал этиш билан кимё фанидан билимингизни синаб кўринг-чи!

1. Баъзи ўсимликлардан олинадиган ёки сунъий ҳосил қилиниб, резина тайёрлашда ишлатиладиган модда. 2. Кимёвий тажрибалар ўтказишда фойдаланиладиган идиш. 3. Азотли ўғитлар ашёси бўлган ўткир ҳидли рангсиз газ. 4. Кимёвий реакцияда иштирок этадиган, бироқ ўзгармай қоладиган модда. 5. Бошқа моддалар билан бирга маълум кимёвий реакцияни вужудга келтирувчи модда. 6. Қийин суюқланадиган, ўтга чидамли металл. 7. Кимёгар олим, моддаларнинг даврий системаси асосчиси. 8. Махсус қотишма ва пўлатлар тайёрлашда ишлатиладиган, кулранг қаттиқ металл. 9. Табобатда қўлланиладиган элемент. 10. Спиртнинг техник тури. 11. Металл оксиди билан алюминий аралашмасидан иборат модда. 12. Ботқоқлик ерларида ҳосил бўладиган ёқилғи. 13. Юқумли микроблардан зарарсизлантириш мақсадида қўлланиладиган ўткир ҳидли дори. 14. Фенолдан олинадиган сунъий тола. 15. Таркибида карбонат ангидриди бўлган шифобахш минерал сув. 16. Авторлик ва акилин бўёқлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган оч сариқ мойсимон суюқлик. 17. Кислота таъсирида ўзгариб, ишқор таъсирида аслига қайтувчи бўёқ. 18. Юпқа қатламларга ажраладиган қаттиқ минерал. 19. Сувсиз кальций сульфат. 20. Табобат ва техникада кукун ҳолида ишлатиладиган, оқ юмшоқ минерал. 21. Инерт газ. 22. Кимёвий заррa тури. 23. Метаннинг гамалогик қаторидаги тўйинган углеводород. 24. Лантанидларга оид элемент. 25. Заҳарли модда, кемирувчилар қушандаси.

Ф. ОРИПОВ.



ИНТИЛИШ ҲАЖВИЯ

Эсимни танибманки, интиламан, интилиб яшайман. Фақат бошлиқ бўлишга, раҳбарликка интиламан. Аммо ҳанузгача бирор марта ҳам бу борада омадим юришгани йўқ. Мактабда ўқиб юрган кезларимда, ҳаттоки синфбоши ҳам бўла олмадим. Институтдаги талабалик йилларим ҳам қуп-қуруқ ўтди. Орзуим ушалмади. Ўзим туғилиб ўсган қишлоғимга, ўзим ўқиган мактабимга ишга келдим. Бу ерда нуқул синф раҳбарлиги менга насиб этди, холос. Ёлғон гапириб нима қиламан, худодан қўрқаман. Олдинги йилларда пахта йиғим-терим мавсуми бир неча ойлаб давом этарди. Ўшанда мени баъзан синфлар бўйича йиғим-терим натижаларини ҳисоб-китоб қилишга мутасадди этиб қўйишарди. Ҳозирча шулардан нарига ўтганим, аниқроғи, юқорига чиқа олганим йўқ.

Ёлғон айтиб нима қилай, баъзи-баъзида тўй-маъракаларга раислик қилардим. Ҳар бир раислик қилганимда ўзимни уч-тўрт кунгача аршу-аълода кўриб юрардим. Айрим ҳолларда иккита раис сайланиб, биз даврадагиларни бошқаришда раисдошлик қилардик. Буни ҳам худо кўп кўрди денг. Бозор иқтисодиёти туфайли тўйлар ҳам ихчамлашиб, давраларни бошқаришга ҳожат ҳам қолмаяпти. Бунинг устига менинг ваъзхонлигим кейинги пайтларда ҳеч кимга ёқмай қолди. Тарихчи эмасманми, бир гапга тушиб кетсам, ҳаммани оғзимга қаратиб қўярдим. Ғинг демай, эшитиб ўтираверишарди. Энди билсам, мен ўйлаганчалик эмас экан. Одамлар дастурхон устидаги спиртли ичимликларга маҳлиё бўлиб, менга ишлари бўлмас экан. Эътибор ҳам беришмас экан. Энди бундай эмас, менинг ҳар бир гапимдан маъно ахтаришади. Ҳар бир сўзимга жиддий аҳамият бериб, унинг мағзини чақишади. Қисқаси, ҳозир ваъзхонлик қилишга йўл қўйишмайди. Яна бир раҳбарлик масъулияти менинг бўйнимда, яъни оила бошлиғиман. Агар шу ўринда ҳам раҳбарлик жиловини хотинимга берсам, тириклайин ўлганим.

Яқинда онла ташвиши деб қамалиб кетишимга бир баҳя қолди-я. Минг шукурлар бўлсинки, химбиолог касбдошим Соҳибжон омон қолди. Агар асфолософинга кетганида борми? Ҳозир авахтада, зах босган ертўлада ўтирган бўлармидим? Аслида эса, шу ҳунук ҳодисанинг келиб чиқишига, юз беришига ҳам менинг интилишим сабаб бўлди... Мактабга ишга келибманки, директор, илмий бўлим мудири, директор ўринбосари бўлишга интилиб келдим. Лекин атрофимдагилар ва на юқоридагилар менга ҳайрихоҳлик билдиришмасди. Бу орада мактабимиз раҳбариятида бир неча бор ўзгаришлар содир бўлди. Айримларининг ўзлари кетишди. Баъзиларини эса, ўзимиз қуритдик. Камина ҳам бу ишларда иштирок этдим. Хатларга имзо қўйдим, юмалоқ хатлар ёзиб жўнатдим. Бироқ натижа сира ҳам менинг фойдамга ҳал бўлмас эди. Куни кеча директор ва илмий бўлим мудирининг ўз хоҳишлари билан ишдан кетмоқчи эканини эшитиб, пайтавамга қурт тушиб қолди. Уларга ўзимни яқин тутиб, бир неча бор оғизларини ҳидлаб кўрдим. Гапларига қараганда, улар чиндан ҳам ишдан зерикишганмиш. Мени лақиллатиб бўлибсанлар. Раҳбарликдан ҳам зерикадими? Узларининг ишларидан бирор ишкал чиққан, камчилик топилган. Нима бўлганда ҳам кетишлари аниқ ва равшан. Менга шуниси керак. Оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолдим. Уйқумдан ҳаловат йўқолиб, қандай қилиб туман халқ таълими бўлими мудирининг кўнглини олиш ҳақида бош қотира бошладим. Буни қарангки, омад келаман деса, қўшқўллаб қўшалоқ бўлиб келаверяркан. Бир куни пешинга яқин каттамизнинг ўзлари мактабимизга қадам ранжида қилиб қолсалар бўладими? Тасодифни кўринг-ки, ўша куни мактабнинг мутасаддиларидан бирортаси ҳам йўқ эди. Акахонимиз билан мактабни бир айланиб, кўриб чиққан бўлдик. Унгача тушлик пайти ҳам бўлиб қолди. Акахонни уйга таклиф қилиб, бир пиёла чой бермоқчи бўлдим. Ў ҳам ортиқча эътироз билдириб ўтирмай, рози бўлди. Яхши биласизки, нозик меҳмонни қиттаккиттаксиз кузатиб бўлмайди. Ака билан хайрлашиб, уйга қайтаётсам, қишлоғимизнинг дўконида карточкага шакар сотилаётган экан. Дўконга кирганимдан сўнг, нималар юз берганини билмайман, эслай олмайман ҳам. Эртаси куни ўша ерда ҳозир бўлганлар айтиб беришди. Кейинчалик Соҳибжондан ҳам сўраб суриштириб, билиб олдим. Сотувчи менга олти кишилик норманн, яъни тўрт килограмм, 800 грамм шакарни бермоқчи бўлибди. Мен эса, қайсарлигим тутиб, ўн килограмм беришни талаб қилиб, туриб олибман. У бўлса, имконияти йўқлигини айтиб, менга яхшиликча тушунтирмоқчи бўлибди. Шунда мен оғзимдан боди кириб шоди чиқиб, беҳаё сўзлар билан сотувчини ҳақорат қилибман. Юлғичликда, ўғриликда айблабман. Тоқати тоқ бўлган сотувчи менга қараб беш килограммлик тошни қўлига олиб, ўдағайлабди, мени чўчитмоқчи бўлибди. Ёлғондан дағдаға қилибди. Мен унинг қўлидан тошни жаҳл билан тортиб олибман-да, уриш мана бунақанги бўлади, деб тошни унга қараб ирғитмоқчи бўлибман. Мўлжални нотўғри олган эканман шекилли, тош сотувчига эмас, Соҳибжоннинг чинтиғига бориб тегибди. Шўрлик Соҳибжон сувга бўккан девордек шилқ этиб қулабди. Атрофдагилар югуриб-елиб уни касалхонага олиб боришибди...

Мен эса кўзимни очсам, уйимда ётибман. Эртасига қишлоқда дувдув гап денг. Соҳибжоннинг аҳволи жуда оғир эмиш. Ҳали ҳам ўзига келмаганмиш. Ўша воқеа сабоқ бўлди-ю, лавозимга, раҳбарликка интилмайдиган бўлиб қолдим. Интилмасликка қатъий аҳд, азму қарор қилдим. Ўша ҳодиса сабаб, «Сахаров» яъни «Шакаров» деган лақаб ҳам орттириб олдим. Яшинмки, ҳамқишлоқларим каттамизни бизнинг уйдан чой ичганидан бехабар экан. Акс ҳолда мени унинг фамилияси билан атаб чақиришлари ҳам ҳеч гап эмасди-да, ахир. Каттаю кичик мени «Сахаров» деб аташади. Бунисига розиман. Айтинг-айтинг, бу хунук воқеалар каттамизнинг қулоқларига етиб бормасин-да. Унда ким деган одам бўламан? Яна ким билади дейсиз. Катта қишлоқ, олақуроқ одамлар... Эл оғзига элак тутиб бўлади, дейсизми? Ҳа, ишқилиб, ёпилган қозон, ёпиқлигича қолсин-да. Улуғимизнинг номларига, шон-шуҳратларига доғ тушмасин. Гард юқмасин-да, азизлар, илтимос!

Акбар ҲАЙДАРОВ.



Камол топ чирофим, қалбим парчаси,
Келажак йўллари сенинг қўлингда.
Суратқаш Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ХАНДАЛАР

Боғча хўжалик мудири:

— Опа, болаларга тухум, сир олиб келдим, хурсандмисиз?

Мудира:

— Секинроқ гапиринг, ибратли тарбиячилар борлигини билмайсизми? Сир емаса, сут ичар болалар!..

— Ҳўп, ҳўп, сир келганини сир сақлаймиз!

* * *

Ўқитувчи ўқувчига:

— Шанба куни даданг ота-оналар мажлисига келсинлар, ҳўпми?

— Дадам мажлис-пажлис деб, бош қотирмаларинг деганлар. Ойим келсалар ҳам майлими?..

* * *

Харидор сотувчига ойнаванд пештахтадаги чорва маҳсулотини кўрсатиб сўради:

— Бу нима, жигар эмасми?

— Йўқ, мия!

— Ия, энди миямиз ишлайдиган бўларкан-да!

Ғафур МИРЗО.

ЕН ДАФТАРГА ҚАЙДЛАР

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● «ФАРМАЦИЯ» сўзи жуда қадим замонлардан маълум бўлиб, у кўҳна Мисрдаги илоҳийлаштирилган шифокор Тўта суратининг тагига ёзилган, жумладан, олинган. «Фармаки» — лотинча сўз бўлиб, «даво тақдим этувчи» деган маънони билдиради. Грек тиббиётининг ҳомийлари бу сўзни «фармакон», яъни «дори», «заҳар» деган маънода тушунтирганлар.

● Рим олими Клавдий Галеннинг кўрсатишича, ўсимликлар таркибида киши танасида фойдали таъсир кўрсатувчи моддалар билан бирга заҳарли, кераксиз моддалар ҳам бўлади. Олим доривор моддаларни ўсимлик таркибидан ажратиб олиб, уларни ҳар хил дардларга қўллаш яхши натижалар беришини исботлади. Шунинг учун ҳам доривор ўсимликлар таркибидан турли хил кимёвий усулларда ажратиб олинган дорилар ҳозирги вақтга қадар ГАЛЕН препаратлари деб юритилади.

● XVI асрга келиб алкимё давридан сўнг ЯТРОКИМЁ вужудга келди. Ятрокимё бирмунча илғор таълимотлардан ҳисобланиб, у киши танаси кимёвий моддаларнинг маълум бир мутаносибдаги йиғиндисидир, деган назарияни илгари суриб, турли хил касалликлар ана шу моддалар ўртасидаги мутаносибликнинг бузилишидан келиб чиқади, деб тушунтирарди.

Тайёрловчи
А. АЛИЕВ.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАҚИМ.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти жамоаси шу институт бадиий-графика факультети чизмачилик кафедраси катта ўқитувчиси М. М. Мирдавидовга онаси

Буҳожар
МИРДАВИДОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

НАФОСАТ БЎСТОНИ

ВОБАСТА САДОЛАР

Кунларнинг бирида муҳарририятга Рустам Убайдуллаев кириб келди. Қорачадан келган, норғул бу йигитни республика аҳли яхши танийди. Машҳурлигининг боиси ўз тақдирининг атоқли ҳофиз Фахриддин Умаров билан боғлиқлигидадир. Уни барча «Фахриддин Умаровнинг доирачиси» деб билади. У ўзи ҳам бу инъомдан мамнун.

Рустам ака билан суҳбатлашар эканман, севимли хонанда тўғрисида кўпроқ билиб олганимни ҳис этаман. Ёшлигимдан Фахриддин Умаров қўшиқларининг шайдосиман. Беғубор ёшлик йилларимизнинг қолиб кетган эртакларида Фахриддин Умаров сиймосини кўраман. Биз бу ҳайратомуз дунёни тинглаб, дунё бўлиб ўсганларданмиз. «Эй муҳаббат», «Табассумингг», «Гулдаста», «Қайдасан», «Шошмай тур» сингари лирик қўшиқларни ҳайкалдек қотиб сеҳрланиб тингландик.

Фахриддин Умаров ўз даврида санъат кўкида порлаган чақноқ юлдуз эди. Орадан йилларгина эмас, бутун бир умр ўтди. Ўша чақноқ юлдуз энди отахон устозлардан бири. Қўшиқчилик санъатида бетакрор мактаб яратди. Бу бахт ҳар қандай санъаткорга ҳам насиб бўлавермайди. Республикамизда Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов яратган мактабларни биламиз. Фахриддин Умаров мактаби ҳам шулар сирасидан. Эъзозли, эл меҳрини қозонган санъаткорлардан Жўрабек Муродов, Шерали Жўраев, Камолиддин Раҳимов, Гуломжон Ёқубовлар ҳам шу мактабни ўтаб, санъат осмонига дадил парвоз қилдилар.

Гап келганида, кўнглимдагиларни айтишни истардим. Йиллар елвизак мисол ўтиб бораётир. Шогирдлар ҳам беҳисоб, аммо Фахриддин Умаров санъати ҳамон бетакрор. Ҳожиакбар Ҳамидов, Ҳожимурод Умаровлар гарчи Фахриддин Умаровнинг издошлари эса-да, устоз санъаткор ижоди бошқа бир олам.

Фахриддин ака куйлаганида, кўнгил ларзага келади. Дилда чўкиб ётган оғриқ ва аламлар ситилиб кетади, овозидаги шира, ҳарорат ва нафислик бошқа бирон санъаткорга ўхшамайди. У ҳар бир сўзнигина эмас, оҳангни ҳам эркалаб шира ва ранг бериб айтади.

Рустам акадан ҳофизнинг бир вақтлари муаллимлик қилганини ҳам эшитиб қолдим. Бу ҳақда кейинроқ. Ҳозир эса Рустам Убайдуллаевдан эшитган бир воқеага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

— ...Ўшанда Фахриддин Умаров шуҳрати кун сайин эмас, соат сайин юксалиб борарди. Ишқибозлар тўйга чорлаб навбат кутиб туришарди. Бир куни юртда таниқли ёзувчи тўй қиладиган бўлиб қолди. У нуфузли амалдорга қариндош эди. Ёзувчи Фахриддин Умаровни тўйига айтди. Аксига олиб хонанда ўша куни банд эди. Янгийўллик бир тракторчи қадрдони тўй қилаётган, у тўйини ҳофиз билан келишган ҳолда ўтказишни мўлжаллаган. Хонанда ёзувчига узрини айтди. Аммо хеч шохи қайрилмаган ёзувчига унинг узри ҳам малол келди. Хуллас, Фахриддин ака тўйга борадиган бўлди. У ўша куни чолғучилар дастасини Янгийўлга, қадрдони уйига жўнатди-ю, икки соатдан кейин етиб боришини айтиб, ёзувчининг тўйига кетди. Республикада «санъаткорман» деганнинг ҳаммаси шу ерда хизматда. Ф. Умаров ташрифи тўйдагиларнинг олқишлари билан кутиб олинди. Ҳофизнинг кўнгли эса ғаш. У торини маҳкам бағрига босганича қалбини қўшиғига қўшиб куйлади. Орадан икки соат вақт ўтгач, келишувларига биноан кетишга изн сўради. Аммо ёзувчига бу гап оғир ботди. Ўша ерда бўлган баъзи амалдорлар ҳам хонаданинг нафсониятига тегадиган гаплар қилиб, дил ойнасини синдиришди. Шу топда янгийўллик тракторчи келиб қолди. Фиғони фалакка чиқиб, — «Амалдорни тўйида ўнлаб қўшиқчи бор, меникида эса битта ҳам йўқ. Шу инсофданми, ахир. Камбағал одам эмасми?» —деди у йиғламоқдан бери бўлиб. Ҳофизга бу гап қаттиқ таъсир қилди, у торини олди-ю, тўйхонадан чиқиб кетди. Янгийўлга бориб тракторчининг тўйини қизитди. Аммо шу кундан эътиборан Фахриддин Умаров ҳақида ҳар хил гаплар тарқалди...

Сезилиб турибди, устозининг машаққатли кунларидан, дард-ғуссаларидан воқиф бўлгани учун Рустам ака ичи ёниб гапиряпти.

Устози тўғрисида сўзлар экан, Рустам ака болалик йилларини эслади:

— Ўшанда 9-синфда ўқир эдим. Фахриддин Умаров аслида отам Асқар Убайдуллаевнинг шогирди бўлган. Навқирон Фахриддин ака бир куни уйимизга келиб қолдилар. Айвонда ўтириб торини сайратиб, дилўртар қўшиқлар айтдилар. Камина ҳам доира чалиб турдим. Бир пайт Фахриддин акам:

— Ие, Асқар ака, Рустамжоннинг қўли келиб қолибди-ку, — деб қолдилар. Шушу у кишининг доиракаши бўлиб кетдим...

Рустам Убайдуллаев биз билан хайрлашиб кетаётиб устозининг янги телефон номерини қолдирди. Ҳали айтганимдек, мени Фахриддин Умаровнинг ўқитувчилик йиллари қизиқтириб қўйган эди. Севимли хонанда билан телефонда мулоқотда бўлдик.

— **Фахриддин ака, сизни бир вақтлар мактабда ўқитувчилик ҳам қилган дейишади. Педагогик фаолиятингиз ҳақида маълумот берсангиз?**

Фахриддин аканинг ёқимли овози ҳазин тортди.

—Ҳа, урушдан кейинги оғир йиллар эди. Бешқайроғочдаги 7-мактабда мусиқа, она тили ва адабиётдан дарс берганман. Ўқитувчилик хусусида дипломим йўқ. Ўша суронли йилларда ким ҳам диплом сўрарди, дейсиз. Ким саводли, билимли бўлса, болаларни ўқитаверарди. Тўғрисини айтишим керак, ёмон ўқитувчи бўлган эмасман. Айниқса, мусиқа дарсларини алоҳида муҳаббат билан ўтардим. Мусиқа, умуман ашула қалбни мулойим, инсонни олижаноб қилар экан.

Дарҳақиқат, таниқли ҳофиз Фахриддин Умаров ёниқ, сермазмун қўшиқлари билан ҳамон мухлислари дилига олижаноблик туйғуларини улашиб келмоқда. Бунда уста доирачи Рустам Убайдуллаевнинг ҳам ҳиссаси, ҳофиз наволарида эса унга вобаста садолари бор. Зеро, ҳақиқий санъат умрбоқийдир.

Шарофат
ИСКАНДАР қизи.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди 18.30.

Г-530. ИНДЕКС: 64595. Тираж 110560.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12